

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Руйхатга олинди:

№ БД-108.

2017 йил “18” 08

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2017 йил “24” 08



**ХОРИЖИЙ ТИЛ**

(инглиз тили)

**ФАН ДАСТУРИ**

(Барча бакалавриат йўналишлари учун)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2017 йил “24” 08 даги “603” -сонли буйруғи билан фан дастури рўйхати тасдикланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2017 йил “18” 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чикилди.

**Тузувчилар:**

Бабаева С.Р. - ЎзМУ “Инглиз тили” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент;  
Болибекова М.М. - ЎзМУ “Инглиз тили” кафедраси катта ўқитувчisi;  
Назарова Д.О. - ЎзМУ “Инглиз тили” кафедраси катта ўқитувчisi.

**Тақризчилар:**

Джумабаева Ж.Ш. - ЎзМУ «Инглиз филологияси» кафедраси мудири, ф.ф.д., доцент;  
Икромхонова Ф.И. - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
“Тиллар” кафедраси мудири, доцент.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чикилган ва тавсия килинган (2017 йил “14” 07 даги 6 - сонли баённома).

## I. Ўкув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Хорижий тил” фани олий маълумотли кадрларни тайёрлаш жараёнининг таркибий кисми бўлиб, замонавий мутахассисларни касбий фаолияти ва кундалик хаётида хорижий тилдан фойдаланиш учун уни ўзлаштиришга каратилган. Олий таълимгача бўлган таълим боскичларида орттирилган билимларга таянган холда олий таълим муассасасида талаба хорижий тилни янада мустаҳкам, чукурроқ ва танлаган касбига йўналтирилган ҳолатда ўзлаштириши кўзда тутилади.

Инглиз тили фани ишлаб чикариш жараёни билан бевосита боғланмаган бўлсада талабалар инглиз тилини керакли даражада ўрганиши ёрдамида ихтинослик фанларининг хорижий манбааларидан тўғридан тўғри фойдаланиш, келгусидаги касбий фаолиятида жаҳондаги илғор техника ва технологиялар, илмий ютуклар ва соҳа янгиликларидан бевосита хабардор бўлишига имкон яратади.

## II. Ўкув фанининг максади ва вазифаси

**Инглиз тили фанининг максади** - талабаларнинг кўп маданиятли дунёда касбий, илмий ва майший соҳаларда фаолият юритишларида коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборат.

### Фанинг вазифалари:

- нуткий компетенцияни ривожлантириш;
- оғзаки ва ёзма нутқда соҳавий терминларни самарали кўллаш кўнникмаларини шакллантириш;
- ихтиосликка оид матн тузиш, уни таҳrir ва таҳлил килиш малакаларини хосил килиш.

**Талабаларнинг билим, кўнникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- хорижий тиллардаги гап тузилиши ва гапдаги сўзларнинг тартиби тўғрисида;
- хорижий тилларда сўзларининг услубий кўлланиши тўғрисида **тасаввурга эга булиши;**
- хорижий тилларнинг товуш хусусиятларини, нутқ товушлари ва сўзларни тўғри талаффуз килишни;
- хорижий тиллар синтаксиси талаблари асосида мазкур тилларда тўғри гап ва боғланган матн тузишини;
- касбий терминологияни, оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ўз соҳаси донрасида хорижий тилда фикр ифодалай олиш. илмий техник адабиётлардан фойдалана олиш **кўнникмасига эга бўлиши** керак.

### **III. Асосий кисм (амалий машгулотлар)**

#### **Нутқ мавзулари:**

**Кундалик мавзу** (ўзи хакида, оиласи хакида, иш куни, севган машгулоти, бўш вакти ўтказиши ва хоказо).

**Ижтимоий мавзу** (атроф-мухит, майший ва касбий йўналишда ижтимоий муносабат).

**Таълим мавзуси** (ўкув муассасаси, ўкув куроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг хозирда ўқитилиши ва хоказо)

**Ижтимоий маданий** (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иклимий, маданий, майший хусусиятлари).

**Касбга йўналтирилган мавзу** (ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюк намоёндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва хоказо).

#### **3.1. Умумий боскич**

##### **Нутқ компетенцияси**

###### **Боскичининг асосий мақсади:**

– узлуксиз таълим тизимининг аввалги боскичлари (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари)да талабалар инглиз тилида эгаллаган малака ва кўникмаларини коррекция килиш ва тенглаштириш;

– талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулокотга тайёрлашдан иборат.

###### **Тинглаб тушуниш:**

– маъруза, тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшииттиришлари, янгиликлар, интервьюлар, хужжатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар;

– реклама ва эълонлар;

– тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадиий, хужжатли фильмлар, оммавий чикиш ва хоказо);

– тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро сухбати;

– тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

###### **Гапириш:**

###### *Диалог нутқ*

– ижтимоий мавзуларда сухбат ва норасмий диалог;

– касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;

– мунозарани бошкарниш, интервью, музокаралар ва телефон оркали мулокот олиб бориши.

###### *Монолог нутқ*

– ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўкиш;

– мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;

– реклама ва маҳсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чикиш килиш;

– маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, мухокама килиш.

### **Ўқиши:**

- танишув ўқиши, кўз югуртириб ўқиши ва синчиклаб ўқиши кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиши;
- маҳсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиши;
- маҳсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва қасбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиши.

### **Ёзма нутк:**

- турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва маҳсус докладлар (эслатма CVs ва хоказо) ёзиш;
- эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (маколалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш.

## **3.2. Қасбга йўналтирилган боскич**

### **Қасбга йўналтирилган боскичининг асосий мақсади:**

- нутк турлари бўйича қасбий соҳада инглиз тилини амалий эгаллаш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- соҳа бўйича адабиётларни таржима килиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

### **Тинглаб тушуниш:**

- қасбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшишиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур аҳборотни олиш;
- кундалик воеалар хакида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қаҳрамонлари нуткини тушуниш.

### **Гапириш:**

#### *Диалогик нутк*

- тил соҳиблари билан эркин мулокотда бўлиш ва қасбий мавзулара ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлаб бериш;
- сухбатни бошлиш ва тугатишни билиш, сухбатдошига таклиф ва маслаҳат бериш, саволларига жавоб бериш, аҳборот алмашиш, мухокама килинаётган далилларни аниклаштириш, ўқиган ёки эшигтанларини мухокама килиш;
- матн асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик курилмаларга асосланиб гапириб бериш;
- ассоциатив тафаккурга асосланиб мулоҳаза, танкид, баҳолаш далиллар билан исботлани орқали ўз нуткини тузиш;
- риторик характерга эга диалог нутк малакаларини такомиллаштириш;
- қасбий мулокотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда катнашиш учун нутк фаолияти, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

#### *Монологик нутк*

- долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Карши” далилларни келтирган холда ўз фикрини баён килиш;
- тинглаган ва ўқиган матн мазмунини гапириш;
- мазмунга баҳо бериш;

- ўрганилган мавзулар бўйича ахборот бериш;
- ўқиган матнни тахлил килиш ва шархлаш;
- ўқиган ёки тинглаган матнни кискача мазмунини баён этиш;
- ўрганилган мавзуда чикиш килиш;
- ижтимоий – сиёсий матнларни ўкиб шархлаб бериш.

**Ўкиш:**

*Танишув ўқиши*

- матнни лугатсиз, берилган савол ёки умумий мазмунини тушуниш мақсадида ўкиш;
- матн: 10% гача нотаниш сўз бўлган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, махсус бадиий матнлар;
- матн мазмунини чет тилида ёки она тилида сўзлаб бериш, параграфларни номлаш, тест топшириш.

*Синчиклаб (ўрганиб) ўқиши*

- матнни асосий ахборотни ажратиб олган холда мазмунини тўлик ва аник тушуниб ўкиш.

**Ўкиш тезлиги, хажми:**

- лугатдан фойдаланиб 1600 босма белгили матнни 1,0 академик соатда ўкиш;
- матн: махсус, илмий оммабоп 12% гача нотаниш сўзга эга бўлади.

*Кўз югуртириб ўқиши*

- матн мазмуни хусусиятларини аниклаш;
- зарур ахборотни матндан топиш;
- сўз (матн) маъно мазмунини контекст асосида фахмлаб олиш;
- матндағи бирламчи (асосий) иккинчи даражали ахборотни ажратиши;
- матн калит сўзларини ажратага олиш;
- матн кисмларига сарлавҳа қўйиш.

**Ёзма нутк:**

- касбга йўналтирилган боскичда шаклланган малакаларни такомиллаштириш;
- реферат, аннотация ёзиш техникасини такомиллаштириш;
- хужжатларни расмийлаштиришни билиш (тузилиши, услуги, хужжат тили) ва у асосида хужжатларни намунага караб, схемага кўра, клише ва фразаларни кўллаб, ахборотни хисобга олиб, иш юртишиш вазиятлари талабларига мос равиша расмийлаштириш;
- берилган мавзуда баён, эссе, резюме тузиш, соҳага оид адабиётлар бўйича реферат ёзиш.

### 3.3. Грамматик компетенция

**Актив грамматик минимум:**

- от, отларда сон, келишик , artikel;
- сифат , сифат даражалари;
- олмош;

- феъл;
  - мажхуллик нисбати;
  - дарак, сўрок, инкор содда гапларнинг кўлланилиши;
  - гапларда сўз тартиби;
  - сўрок гаплар;
  - буйрук майлидаги инкор гаплар, кўшма тўлдирувчининг кўлланилиши;
  - шарт майлиниг кўлланилиши;
  - and, but боғловчили кўшма гапларни кўлланилиши;
  - if, that because, when, before, as soon as, till, until, after боғловчили эргашган кўшма гапларни кўлланилиши;
  - боғловчили эргашган кўшма гапларнинг барча турларини кўллай олиш;
  - иборали феъларни кўлланилиши.
- Пассив грамматик минимум:**
- герундий, сифатдош, равишдошли курилмаларнинг ишлатилиши;
  - герундий, сифатдош, равишдошли курилмаларнинг ясалиши.

### 3.4. Сўз ясаш минимуми

Талаба янги нуткий шаклларда ўрганилаётган сўз ясаш моделлар бўйича ясалган мураккаб сўз ва нотаниш ясама сўзларнинг маъноларини мустакил аниклай олиш лозим. Кўйидаги сўз ясаш моделларини тақорорлаш лозим: v+er=n. двигател белгиси Fto design - лойихалаш -designer - лойихачи; adj+ness=n (hard - каҳрли - hardness -каҳрлилик); v+ing=n (to varn - огохлантиромок, varning-огохлантириши); riXfiil=adj (power - куч, powerful - бақувват); adj+ish=adj (damp - нам, dampish - намчил) adj+ly=adv (firm - каттик - Firmly - каттик); un+adj=adj (important - муҳим, unimportant - номуҳим).

Олдин талабалар ўрганган кўйидаги сўз ясаш моделлари хам ўзлаштирилиши зарур. V+er=n тузилишидаги ишлаб чиқариш куроли, асбоб, курилма ва х.к. ни билдиради (to heat-иситиш - heater - иситгич); v+able=adj (to drink-ичмок-drinkable - ичиладиган); adj+ire=v Feircual - думалок, circuire - думалоклаш, adj+en=v (fast-каттик-to fasten-каттикланиш); dis+v=v (to approve - маъқуллаш - to disapprove-маъқулламаслик); n+n=n 'a steam pipe-буғ қувуриг; конверсия бўйича мослаштирилган ва рус тилида мунтазам тузилиш - семантик мослилка эга феъллар.

Талаба кўйидаги сўз ясаш моделларини билиши ва улар асосида нотаниш ясама сўзларнинг конуний маъносини мустакил англай олиши лозим; adj+ity=n (acid-нордон - acidity - нордонлик); v+ment=n (to treat - ишлов бермок - treatment - ишлов); (grain - дон - grainy - донли); n+ed=adj (motor - мотор - motored - мотор кўйилган); n+a]=adj Fcoast veper - coastal-киргокка тегишилиг; v+ent=adj\to differ-фарқланмок -different — фарқли; adj+ify=v - humid - намли - to humidify -намламок (n+ate-v (fraction - фракция to fractinate - моддани алоҳида фракцияларга бўлмок n+ize=v (rubber -резина to tubberize - резиналаш); d+v=v (to clutch - уламок; to declutch -узмок}; re+v=v (to colour - бўямок. - to recolour - янги ранга бўямок); over+v=v (to heat - иситмок - to overheat - кайта

иситмок); en+adj=v -large - катта to enlarge - катталаштиромок; en+n=v (circle - доира - to^ncircle - доирага олмок3; n+n=v (a boiler - room козонхона); a'dj+n=n (a loid - speaker - овозни баландлатувчи мосламалар); adj+adj=adj Fdark-blue-зангори; n+adj-adj (heat-stable-иссикликка чидамли; рус тилида мунтазам структурат>семантик мосликка эга бўлмаган феъл ва отлар конверсияси.

#### **IV. Амалий машгулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Юкори курсларда ўкув фани сифатида инглиз тили дарсларидан касбий максадларда уни амалда кўллашга ўтиш бўйича зарур тушунчалар берилиши керак. Олдига кўйилган максадга эришишда талабалар:

а) маҳсус фанларни ўрганишда инглиз илидаги адабиётларни ўқиш малакасига эга бўлиш;

б) курс ишлари ва бакалавр битириув малакавий ишларини инглиз тилида ёзишлари мумкин;

в) инглиз тилида ўтказиладиган конференцияларда катнашиши мумкин;

г) инглиз тилида маъруза ва маълумотлар тайёрлашлари мумкин.

Инглиз тили дарсларида кўлланиладиган топшириклар талабаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериб, маҳсус фанларни ўрганишда хам зарурий фикрлаш фаолиятини шакллантириш учун замин яратади.

Инглиз тили фанини ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол усусларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Амалий машгулотларда аклий хужум, кластер, блиц-сўров, кичик гурӯхларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усусларнинг мавзуга мос таъланиши ва кўлланилиши дарс самарасини оширишга катта хисса кўшади.

#### **Нутк фаолияти турлари устида ишлаш учун вакт таксимоти**

Кўйилган максадларга эришиш учун хар бир дарсда нутк фаолияти турлари кўйидаги нисбатда бўлиши максадга мувофик:

тинглаб тушуниш - 25% ;

гапириш - 30%;

ўқиши - 25%;

ёзув - 20% .

#### **V. Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмuni**

Инглиз тили фанидан мустакил ишларининг максали - талабаларнинг касбий коммуникатив фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг ижодий фаолиятини ўстириш, ва инглиз тили устида мустакил ишлай олиш малака ва кўнкималарини хосил қилиш ва ривожлантиришдан иборатdir.

Талабаларнинг мустакил ишлари нутк фаолиятининг кўйидаги турлари бўйича ташкил килинади.

**Ўқиши:** (танишиб чикиш, синчиклаб, қараб чикиш), ёзув, тинглаб тушуниш ва гапириш;

**Тинглаб тушуниш:** хажми турлича бўлган аудио- ва видео матнларни тинглаб тушуниш, саволларга жавоб бериш, гапириб бериш, аннотация ёза олиш;

**Гапириш:** талабаларнинг диалогик ва монологик нутклари бўйича мустакил ишлари аудиторияда ўргатилган матнлар, ўкув материаллари асосида ташкил килинади. Гапириш бўйича мустакил иш сифатида мавзу асосида маълумот тайёрлаш, матн мазмунини гапириб бериш, ўрганилган лексик материаллар асосида хикоялар тузиш, берилган муаммоли масала ва вазиятларни мухокама килиш каби топшириклар бериш мумкин. Гапириш кўникмаларини ривожлантириб бориш учун мультимедиа дастурларини ва онлайн технологияларини кўллашга асосий эътибор каратилади;

**Ўқиши:** талаба ўрганаётган соҳасига оид адабиётлар билан танишиб чикиши ва ўзи учун кизикарли ва керакли бўлган ахборотни тушуниши, публицистик, илмий-оммабоп ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўқиши ва керакли ахборотни олиши лозим.

Машгулотларда юкорила айтилган малака ва кўникмаларни шакллантириш ва ўстириш жуда мураккаб бўлганлиги учун уларни мустакил иш жараёнда синчиклаб, кўз югуртириб, қараб чикиб ўқиш турлари оркали ташкил килинади. Ушбу ўқиш турларини назорат килиш-матнни бутунлай таржима килиш ёки унинг танлаб олинган кисмларини таржима килиш билан амалга оширилади.

**Ёзув.** Ёзув бўйича мустакил иш ўз ичига ўрганилаётган тилда фикрни баён кила олиш ишларини олади. Бунда мустакил иш мазмунига қуидагилар киради:

- аннотация, реферат, резюмелар туга олиш;
- оғзаки равиша нутк хосил килиш учун режа ёки тезис тузиш;
- турли хатлар, табрикнома, таклифлар, иш юзасидан хатлар туга олиш;
- ўкишга ва ишга кабул юзасидан аризалар ёза олиш;
- соҳага оид турли хужжатларни тўлдириш;
- баён, иншо, эсселар ёза олиш; қасби бўйича иш юритиш ишларини (ёзувларини) олиб бориш.

Ўқиб таржима килинган материаллар, курс ишлари ва рефератларда кўлланилади.

#### **Мустакил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. Ўзи хакида тўлик маълумот бериш.
2. Орзуимдаги уй.
3. Спорт.
4. Машхур кишилар.
5. Менинг университетим.
6. Байрамлар.

7. Менинг мутахассислигим.
8. Етакчи университетлар.
9. Буюк Британия, Америка кўшма штатлари.
10. Ўзбекистон.
11. Инглиз тилида гапирувчи давлатлар.
12. Мустакиллик куни.
13. Буюк Британия давлат тизими.
14. Ўзбекистон давлат тизими.
15. Давлатлар таълим тизими.
16. Давлатлар маданияти ва тарихи.
17. Ўзбекистон музейлари.
18. Дунёнинг машхур университетлари ва бошқалар.

## **VI. Асосий ва кўшимча ўкув адабиётлар хамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Дудкина Г. А. и др. English for businessmen. I кисм, Тошкент-2000.
2. Кудрявцева О. Е. и др. English for businessmen. 2- кисм. Тошкент-2000.
3. Абдалина Е. А. “Инглиз тили дарслиги”. Тошкент -2000 й.
4. Бонк Н. А. Учебник английского языка. Бишкек-1997.
5. Саттаров Т.К. Английский для студентов-юристов (1 часть). Т.ТГЮИ. 2005 й.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон- 2008.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпро этамиз. Т-2016
3. Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахлил катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Т-2016
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т-2017
5. Бабаева С.Р. Инглиз тили. Биология факультети талабалари учун ўкув кўлланма. Тошкент - 2015
6. Болибекова М.М. Инглиз тили кискача грамматикаси ўкув кўлланма. ЎзМУ. 2008.
7. New Inside Out..Sue Kay & Vaughan Jones. Macmillian 2014
8. Scale up. The authors. Tashkent- 2014
9. Martin Seviour “Word Wise” “SHARQ” PUBLISHING HOUSE. 1997
10. Качалова К. Н. Грамматика английского языка. Бишкек-2007
11. John& Liz Soars «Headway» Oxford University Press -1999
12. Adrian Tennant «Straightforward» Macmillian
13. Обидова Д. Englishreader. Тошкент- 1998.
14. Бабаева С.Р. The science of life Тошкент- 2014.

15. Болибекова М. М. Инглиз тилида психологиядан кичик матнлар түплами. ЎзМУ-2002.
16. Болибекова М. М. Инглиз тилида фалсафадан кичик матнлар түплами. ЎзМУ- 2003.
17. Колодаяжная Л. This is Great Britain. Москва- 2000.
18. Болибекова М. М. Политология бўлими магистр ва талабалари учун мутахассисликка оид матнлар түплами. ЎзМУ- 2008.
19. R. Murphy English Grammar in Use. Cambridge University Press/1985
20. Болибекова М. М. Инглиз тилида оғзаки мавзулар түплами. ЎзМУ 2003.
21. Лутфуллаева М. English in topics . . . Т- 2002
22. Агзамова З.И. Турдиева С.Х. Физика факультети бакалавриат талабалари учун инглиз тилидан матнлар түплами. НУУЗ. Т. 2007
23. Бабаева С.Р. Иктисодиёт факультети талабалари учун мутахассисликка оид матнлар түплами . Т-2013.
24. Назарова Д.О. Famous people of English speaking countries. Тошкент - 2015
25. Болибекова М.М. «Социология» Т-2009.
26. Юсупова З.Ш.Сборник английских текстов для неязыковых факультетов. НУУЗ. Т- 2003.

#### **Интернет сайлари**

- <http://iteslj.org/>
- <http://iteslj.org/Techniques/Yang-Writing.html>
- <http://iteslj.org/Techniques/Ross-ListeningComprehension.html>
- <http://www.teachingenglish.org.uk/think/articles/listening>
- [http://www.usc.edu/dept/education/CMMR/CMMR\\_BTSA\\_home.html#Resources\\_BeginningTeachers](http://www.usc.edu/dept/education/CMMR/CMMR_BTSA_home.html#Resources_BeginningTeachers)
- <http://www.teachermentors.com/MCenter%20Site/BegTchrNeeds.html>
- <http://www.inspiringteachers.com/>
- <http://teachnet.org/ntpi/research/prep/Cooper/http://www.alt-teachercert.org/Mentoring.html>
- [www.examenglish.com](http://www.examenglish.com)
- <http://www.education.gouv.fr/>

**Изоҳ:** Хар бир ОТМ фан бўйича ишчи дастурни тузишда бакалавриат таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чикиб соҳага оид ўкув адабиётлар рўйхатини шакллантириши тавсия этилади.